



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 5 май, чоршанба

• №37 (11.632)

• Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18000 (ун саккиз минг) сўм миқдоридан бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўйбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий

хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси,

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 3 май.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

«Ҳаёт курашдан иборатдир» дейишган узоқ ўтмишдаги буюк файласуф олимлар. Бу чуқур мантиқий ҳулоса кўҳна тарих саҳифаларида абадий муҳрланган воқеликнинг ўзидан олинган. «Урушнинг оти ўчсин» дейишдади кўпни кўрган кексалар ва мушфиқ аёллар. Бу

ҳам ер юзидида ҳаёт бошлангандан буён то ҳануз тинмаётган қирғинбарот урушлардаги йўқолишлардан зада бўлган миллионлаб қалбларнинг туганмас оҳу зори ва шу билан бир вақтда беадад ва бегуноҳ заволаҳад қарши отилган лаънат тошидир.

Афсуски, бундай бемаъни урушлар дунёнинг ҳали у, ҳали бу нуктасида аланга олиб, ҳамоно давом этиб келмоқда. Кейинги ўн йилликлар давомида ана шу беҳуда қон тўкилишлар қаторига халқаро терроризм балоси ҳам қўшилиб, қанчадан-қанча тинч аҳоли — бегуноҳ кексаю, ёш гўдакларнинг ёстигини қуритмоқда.

Халқимизнинг буюк ва оташнафас шоири Ғафур Ғулом хайқирганидек, қора урушу террорчиликнинг нима эканлигини

биз, кекса авлод вакилларида сўранг. Балоғат ёшига етиб-етмай, иккинчи жаҳон уруши жангоҳларига кириб, то фашизм балоси бутунлай даф этилгунча қон кечиби, унинг бутун даҳшатларию келтирган шўрликларини ўз кўзим билан кўрдим, ўз бошимдан кечирдим. Ўнлаб сафдошларимни ўз кўлим билан ерга қўйдим.

Ҳақ, яъни Яратган бор бўлганидек, дунёда ҳақиқат ҳам, албатта, бор. Бутун Европани маҳв этиб, қон қақшат-

ган, ўн миллионлаб тинч аҳолининг ҳаётига зомин бўлган фашизм балоси ўз қилмишига яраша ўзи ҳам охир-оқибат заволаҳад топди. 1999 йил февраль ҳамда шу йил март ойида содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари мамлакатимиз мустақиллигига, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган бир гуруҳ қора ниятли, мафкуриси бузуқ кимсаларнинг йўқ

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ ИФОДАСИ

5 майда "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат", "Шуҳрат" медаллари таъсис этилганига 10 йил тўлди

"Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуг мутафаккирлар ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқимиз". Миллий ғурур, халқпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган, фахр-ифтихорга тўла ушбу сўзларни Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг яқинда ўтган ўн тўртинчи сессияси минбаридан туриб айтди.

Бундай эътироф бежиз эмас. Бу эътироф — тарих ва келажакни, аждодлар ва авлодларни, эл-юртни Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги аталмиш муштарак маслак, ягона мақсад йўлида бирлаштириб, чамбарчас боғлаб тургучи эзгу даъватдир.

Зеро, бундан қарийб ўн уч йил муқаддам худди шундай юксак, ҳаётбахш туйғуларни қалби ва шуурига жо этиб, Юртбошимиз раҳбарлигида Истиқлол истиқболга ишонч-ла пешвоз чиққан халқимиз ўтган қисқа даврда қанчадан-қанча эзгу ва бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Эндilikда дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва овозига, обрў ва эътиборига эга мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимламоқда.

Мўлжалланган олижаноб мақсадларни рўйбга чиқариш, кенг қамровли ислохотларимиз ижобатини таъминлаш юртимиз фарзандларидан жасорат ва қаҳрамонлик талаб этиши табиий. Шу маънода халқ ва Ватан манфатлари йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш истиқлолимизнинг илк давриданок Пре-

зидентимиз Ислам Каримов узоқни кўзлаб юритаётган давлат сиёсатининг бош мақсад ва вазифаларидан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессияси бу борада ўзининг салмоқли натижалари билан тарихий аҳамият касб этди. Унда "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини ва олий нишон — "Олтин Юлдуз" медалини, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденларини, "Жасорат", "Шуҳрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилди. "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган шахсга "Олтин Юлдуз" медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат тантанали ва кенг ошқоралик вазиятида топширилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, парламентнинг ўша сессиясида суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида Олий Кенгаш қарори қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҳаёти

СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент Ислам университетида Тошкент вилояти хотин-қизларининг 4 кунлик ўқув семинари давом этмоқда.

Унда вилоятимиздаги шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ўз малакаларини оширмоқдалар. Очик мулоқотлар тар-

зида ташкил этилган семинарда Ислам ва сиёсат, давлат ва диний ташкилотлар ҳамкорлиги, миллатлараро тотувлик ва бошқа кўплаб масалалар мавзuida маърузалар тингланди.

Ўз мухбиримиз.

«ҲАМШИРА — 2004»

Тиббиёт ходимларининг малакаларини ошириш мақсадида ҳар йили «Ҳамшира» кўрик-танлови ўтказиб келинади.

Айни кунларда «Ҳамшира — 2004» танловининг шаҳар, туман босқичлари якунланмоқда.

Юқорикириқ туманида ҳам 7 нафар ҳамшира киз кўрик-танлов доирасида ўзаро беллашдилар. Улар касб маҳорати, муомала маданияти, оилада саранжом-сарихталик ва бошқа бир қатор соҳаларда

ўзларининг билим ва кўникмаларини намоён этдилар.

Натижаларга кўра туман марказий шифохонаси юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси Малика Эрназарова ғолиб бўлди ва танловнинг вилоят босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Равшан РУСТАМОВ.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Қибрай туманида республикада биринчи бўлиб ўқувчи ёшларни касбга йўналтириш бўйича яратилган компьютер дастури амалга татбиқ этилди.

Шу муносабат билан туман халқ таълими бўлими ташхис марказида бўлиб ўтган республика ҳудудий семинарида дастурнинг аҳамияти, эътиборли жиҳатлари ҳақида сўз борди. Унда республикаимизнинг Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятимиз мак-

таблари раҳбарлари, халқ таълими аълочилари иштирок этдилар. Меҳмонлар тумандаги 48- ва 14-мактабларда ҳам бўлишиб, ўқувчи ёшларни касбга йўналтириш бўйича қилинаётган амалий ишларга юқори баҳо бердилар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

қилиниши билан якун топди, адолат тантана қилди. Энг муҳими халқимиз чўчимади, саросимага тушмади. Чунки у давлатимизнинг куч-қудратига, ҳар қандай вазиятда ўз халқини ҳимоя қилишга қодир эканлигига ишонади ва бу ишонч жадал суръатларда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва амалий натижалари, оғишмай амал қилаётган кучли ижтимоий ҳимоя тамойиллари билан оқланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорининг эълон қилинганлиги ҳам ушбу фикримизнинг яна бир исботидир.

Мен ҳукуматимизнинг ушбу қарорини ўқиб, иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси сифатида қалбимда фахрланиш ҳиссини туйдим. Чунки, уруш ва меҳнат фахрийси сифатида ҳукуматимизнинг моддий ва маънавий ғамхўрлигининг доимо баҳраманд бўлиб келмоқдам. Нафақат Хотира ва Қадрлаш куни, балки бошқа бай-

(Давоми. Боши 1-бетда).

рамлар муносабати билан ҳам биз, фахрийларни туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларига таклиф этиб, бир пиёла чой устида суҳбатлар уюштиришди, совға-саломлар билан кўнглимизни кўтаришди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишиши учун чексиз ғамхўрликлар кўрсатилаётгани мени, айниқса, қувонтиради. Буларнинг ҳаммаси юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорлик туфайли, албатта. Бунинг қадрига етишимиз керак. Ёшларимизга айтадиган гап шу: келажак сизларники. Мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти ҳамда барча соҳаларда юз бераётган янгиланишларни кўролмайдиган ғаламисларга бундан буён изн бермаслик мақсадида мавжуд имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, ўқинг, унинг, ўсинг, буюк келажакнинг ўз қўлингиз билан яратинг.

Алимжон САЛИМБОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
Зангиота тумани.

ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ ИФОДАСИ

Ҳозирги кунгача ушбу олий давлат мукофоти билан элликдан ортиқ ватандошимиз тақдирланди. Улар орасида турли соҳа вакиллари бор.

Давлатимизнинг яна бир юксак мукофоти — «Мустақиллик» ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустақамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган фуқароларимиз тақдирланади.

Юртимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шу жиҳатдан «Дўстлик» ордени билан мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустақамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбе-

(Давоми. Боши 1-бетда).

кистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланадилар.

Мазкур давлат мукофоти соҳиблари орасида нафақат фидойи ҳамюртларимиз, айни чоғда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари, умуман, хориждаги бизга хайрихоҳ инсонлар ва чет эллик дўстларимиз бор экани қувонарлидир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда ўтган сессиясида эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш йўлида мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмаслигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда қарор топган анъана шундай — Ватан, халқ, Президент ҳеч қачон мард ва жасур фарзандларни унутмайди. Истиқлол йилларида ҳарбий хизматчилар, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг ходимлари республикаимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчини ёки хизмат

бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланиши йўлга қўйилгани ҳам шундан далолатдир. «Жасорат» медали билан, шунингдек, турли табиий офат, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкни сақлаб қолишда жасорат кўрсатган кишилар ҳам мукофотландилар.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришган кишиларни тақдирлашда «Шухрат» медалининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Давлатимизнинг олий унвони, орден ва медаллари ватандошларимизнинг эл-юрт олдидаги улкан хизматлари эътирофининг ўзига хос ифодасидир. Зеро, адолат ва ҳақиқат ҳукмрон бўлган мамлакатдагина сидқидилдан қилинган, ҳалол меҳнат қадрланади, ошкора эътироф этилади.

Фулом АБДУРАҲИМ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Вилоят
ҳокимлигига

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Вилоят ҳокимлигига Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустақамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарори ижросининг вилоятда бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Бугунги кунда вилоят аҳолисининг 26,5 фоизини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Демак, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалликларнинг ўз вақтида олдини олиб, соғломлаштириш ишларини мунтазам олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш юзасидан дастур ва тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозир жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақамлаш ва оилаларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, шунга қарамай, айрим жойларда бу саъй-ҳаракатлар қутилган самарани бермаётганлиги қайд этилди.

Йиғилишда мазкур масала билан шуғулланувчи ишчи гуруҳларнинг вазифалари белгиланиб, ижро назоратига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.



«Сиз қонунни биласизми?»

«ҚОНУН» УРГАНЧГА ЙЎЛ ОЛДИ

Вилоятимиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни таъминлаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, республикаимизда амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган авлодга тушунтириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш борасида ҳар йили «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Бу йилги танловнинг вилоят босқичи «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтди.

Унда вилоят бўйича умумтаълим ва ўрта махсус касбхунара коллежларида таълим олаётган 2 минг нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этиб, ҳуқуқий билимларини янада мустақамладилар ва бу борадаги тушунчаларини кенгайтirdилар.

— Танловнинг савияси йилдан-йилга ошиб бораётганлиги аниқ сезилмоқда, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Диёр Алимов. — Чунки дастлабки пайтда танловлар қатнашдими, қатнашди қабилида ўтказилар эди. Мана, ҳозир ўқувчилар бор билимларини ишга солмоқдалар. Албатта, бу танловнинг савияси анча

кўтарилганидан далолат беради. Биз ҳам ташкилотчи сифатида мана шу танлов туфайли ўқувчиларимизнинг ҳуқуқий билимлари янада ошишини истаймиз.

«Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида иштирок этиб, ўз туманларида ғолибликни кўлга киритган жамоалар тўрт минтақага бўлинган ҳолда ўзаро беллашиб, ютуқни кўлга киритганлари вилоят финал босқичида иштирок этдилар. Шу кунги ўртачирчиқнинг «Ибрат», Чинознинг «Қонун», Чирчиқ шахрининг «Адолат» ҳамда Бўка туманининг «Қалқон» жамоалари ўз билимларини танловнинг низомига кўра тўртта шарт асо-

сида намойиш этдилар.

Қизиқарли кечган танловда Чиноз туманининг «Қонун» жамоаси юқори балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида 7 май куни бўладиган республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Иккинчи ўринни Бўка туманининг «Қалқон» жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўрин ўртачирчиқлик ўқувчиларига насиб этди.

Кўрик-танловни ўтказишда, уларни баҳолашда халқ таълими, адлия, ички ишлар бошқармалари, прокуратура ва вилоят судлари ходимлари фаол иштирок этишди.

Тадбир сўнггида ғолибларга «Қамолот» ижтимоий ёшлар ҳаракатининг вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қамолитдин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Sof havo, tiniq suv, toza tuproq uchun!

Tabiat va inson

Toshkent viloyati tabiatni muhofaza qilish qo'mitasi sahifasi

Якун ва тахлил

Вилоят қўмитамиз ва унинг жойлардаги барча бўлинмалари тобора муҳим бўлиб бораётган табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни одатдагидек олти йўналишда изчил олиб бориб, атмосфера ҳавосини, сув ва ер ресурсларини, ер қазрини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминлаш ва экологик тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишни доим эътибор марказида сақламоқдалар.

Шуни мамнуният билан қайд этиш кераки, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда атроф-муҳитни ўта хавфли, юқори даражада ифлосланишига олиб келган бир йўла ва авария ҳолатларига йўл қўйилмади. Вилоятда экологик вазиятни яхшилаш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолиш борасида 80 нафардан иборат нозирларимиз ўз ҳудудларида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган текширувларни мунтазам ўтказиб турдилар. Бунда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан белгиланган режа-жадвалларга тўла амал қилинмоқда. Шунга асосланиб, 153 та корхона ва ташкилотда табиат муҳофазаси бўйича текшириш ўтказилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки

ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТИШИ КЕРАК

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қилинган ишлар натижасида вилоятда атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар 2,3 минг тоннага камайди

ярим баравар кўпдир. Афсуски, текшириш ўтказилган корхона-ташкilotларнинг аксариятида атроф-муҳит мусавфоллигини таъминлашда нуқсонлар борлиги аниқланди. Чунончи, уларнинг 141 тасида амалдаги қонун талабларига у ёки

бу тарзда риоя қилинмаган. Албатта, камчиликларни содир бўлишига йўл қўйган айбдорлар аниқланиб, 97 нафар шахсларга 705 минг сўмдан ортиқ жарима солинди. Унинг 421,5 минг сўми ундириб олинди. Улар орасида кўпчилики ман-

сабдор шахслар ташкил этади. Бундай раҳбар ходимлар 402 минг сўмлик жарима билан жазоландилар. Атроф-муҳитни нисбатан кўпроқ даражада ифлосланишига олиб келган нуқсонларнинг содир бўлишида айбдор бўлганларга 5,5 милли-

он сўмликдан ортиқ тоvon тақдим этилди ва бу маблағ тўла ундириб олинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида деярли 500 банддан иборат кўрсатмалар берилди ва уларни ижро этиш қатъий назорат қилинди. Ҳозиргача уларнинг 75 фоиздан ортиқроғи амалга оширилди.

Корхона-ташкilotлар атроф-муҳитга ташланадиган ифлослантирувчи моддалар ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун тўлайдиган тўловлари вилоятда экологик вазиятни тартибга солиб туришнинг асосий омилларидан бири бўлаяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарори билан юқоридаги тартибнинг жорий қилиниши айтилган бўлди. Шунга мувофиқ экологларимиз корхона ва ташкilotлар билан атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун қоплама тўловларни келишиб олмоқдалар ва уларни ундириб, маҳаллий жамғармаларга йўналтирмоқдалар. Вилоятдаги 267 та корхона-ташкilot билан жами 200 миллион сўмдан ортиқроқ шундай тўловлар келишилган. Бундай йўл билан

(Давоми 4-бетда).

Шу сонга

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Ангрен минтақавий ҳамда Бўка тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари жамоалари янги ташаббус билан чиқдилар.

Улар жорий йилнинг 5 июнида бўлиб ўтадиган умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини муносиб кутиб олишга интилиб, ҳудудларида жорий йилнинг 1 апрелидан 1 июнигача атроф-муҳит мусавфоллигини яхшилашга қаратилган икки ойлик ўтказажакларини эълон қилдилар.

Экологларнинг бу ташаббусини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қўллаб-қувватлади. Атроф-муҳит мусавфоллигини яхшилашга қаратилган бу ташаббусга барча минтақавий ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари жамоалари ҳам қўшилдилар.

Вилоят қўмитаси бу йўналишда яхши натижаларга эришган жамоаларни рағбатлантириш учун танлов эълон қилди ва уни олиб бориш ҳамда якунлаш юзасидан махсус комиссия таркибини тузди.

ЎЗИНИКИ ЎЗИГА

Илгари республикамызда дарахтларни зарурат юзасидан, масалан иншоотлар, йўллар қуриш ва кенгайтириш учун кесилган рухсат берилганда табиатга етказилиши мумкин бўлган зарар учун тўловлар олинмасди. Ўтган йилдан бошлаб бундай иш учун тоvon пулини ундириш тартиби жорий қилинди.

Бу ҳам табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобига қўшимча маблағ тушишига олиб келди. Биргина ўтган йили шундай йўл билан ундирилган маблағларнинг кўпчилиги қисми мақсадли фойдаланилди. 6 миллион сўм сармоя дарахтзорлар, ўрмонзорлар барпо этиш, турли мевали-манзарали

ҳамда гул кўчатлари етиштириш ишларига йўналтирилди. Бундан ташқари, Бурчмулло қишлоғидаги айрим ҳудудларни ободонлаштириш ва дарахт кўчатлари экишга 877 минг сўм сарфланди. Дендрарий боғини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишга 600 минг сўм ажратилди.



Табиат бизнинг дўстимиз.

Даврон АХМАД олган сурат.

Қарор ва ижро

БЎСТОНЛИҚ:

МУАММОЛАР ЕТАРЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бўстонлиқнинг такрорланмас табиати, ҳавоси, суви, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилана фойдаланишга қаратилган қатор қарорларни қабул қилган. Қарорларда уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари аниқ кўрсатиб берилган.



Вилоят ва Бўстонлиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари бу қарорларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндошмоқдалар.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган 60 дан ортиқ саноат, транспорт, қурилиш корхоналари, 46 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, 198 та дам олиш масканлари қўмиталар назоратига олинган.

Туманимиз гўзал табиати, суви, ўсимлик дунёси, боғ-роғлари-ю виқорли тоғла-

(Давоми 6-бетда).

Мутахассис бонг уради

БАЛИҚЛАРНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН

Мустақил юртимиз ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва аҳоли учун қулай яшаш шароитини барпо этишда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларининг белгиланган тартибда қўлланилиши табиий бойликлардан фойдаланувчи корхоналар, хўжаликлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан бўладиган муносабатларни тартибга солишда, ишлаб чиқилган дастурлар тизимини жорий этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.



(Давоми 5-бетда).

ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТИШИ КЕРАК

ундирилган маблаг, унга қонунбузарларга солинган жарима ва тўловлар пули қўшиб ҳисобланганда шу йилнинг биринчи чораги охиригача маҳаллий жамғармага келиб тушган сармоя 197,6 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблаг кўмита ходимларининг ижтимоий ғимоясини таъминлаш ва табиат муҳофазасига оид тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

Вилоятимиздаги айрим етакчи корхоналарда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган

(Давоми. Боши 3-бетда).

чора-тадбирларни амалга ошириш кенг кўламда давом этмоқда. Масалан, 267,5 миллион сўмлик шундай ишларни бажариш назарда тутилган. Биринчи чорада 34 та тадбирнинг 22 таси адо этилди. Бунинг учун 1,8 миллиард сўмликдан ортиқ капитал маблаг ўзлаштирилди. Олмалик кон-металлургия комбинатида иккита иншоот қурилган бўлса, «Электркимёсаноати»нинг карбамид цехида ҳавонинг тоза бўлишига хизмат қилувчи қатор мосламалар фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолати-

ни яхшилашга 13,6 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, вилоят саноат корхоналари томонидан кўплаб табиатий-техникавий тадбирлар амалга оширилиб, шу мақсад йўлида 274,5 миллион сўм ўзлаштирилди.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қилинган ишлар натижасида вилоятда атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар 2,3 минг тоннага камайди. Ифлосланган оқаваларни сув ҳавзаларига оқизишнинг ошиб кетишига йўл қўйилмади. Булар экологларимизнинг жойлардаги ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда олиб борган ишлари самарасидир. Бундай ҳамкорлик бундан буён ҳам давом эттирилади ва янги поғоналарга кўтарилади.

Пўлат ЙЎЛДОШЕВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи.



ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг навбатдаги ҳафтаги мажлисида қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Унда, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида қилинган ишлар ва келгусидаги вазифалар билан бирга «Оҳангаронцемент» очик акциядорлик жамиятида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги

қонуннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг бориши ҳамда «Чимён ер ости чучук ичимлик сувлари чиққан манба минтақасига алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд мақоми бериш тўғрисида»ги вилоят ҳокимининг 2003 йил 9 октябрдаги қарорининг ижроси ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Янғилик

ИНТЕРНЕТДАН ЭЛЕКТРОН ПОЧТАГАЧА

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини келгусида ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага доир қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Компьютерларни қўлланиш экологлар ишларининг ҳам енгиллаштиришга, кўплаб вақт тежаб қилинишига ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида амалга оширилган тадбирларда яққол кўриш мумкин. Эндilikда барча ахборот алмашуви ва лаборатория таҳлиллари замонавий усулда олиб бориладиган бўлди. Бундан ташқари, компьютер билан биргаликда ФТ-2 фотомер мосламаси йиғилиб, ўта нозик таҳлилий ишларга мос ҳолда соналди. Унинг қўлайлиги шундаки, қилинаётган таҳлилий ишларнинг сифатли, енгил ва тез бажарилишини таъминлаш, бир пайтнинг ўзида сув таркибидаги зарарли моддалар ҳақидаги жадвал ва чизма кўринишидаги маълумотларни компьютер яққол ёритиб беради.

Кўмитанинг ҳар бир махсус нозирликлари ва минтақавий кўмиталари замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари ахборот-ҳисоблаш маркази ва минтақавий кўмита-



лари ўртасида ахборот алмашувини яхшилаш учун модемли алоқа тизими тузилди. Бу тизим атмосфера ҳавосига ва сув ҳавзаларига ташланувчи зарарли моддалар меъёрини назорат қилиш ва ҳисобга олишда кўл келмоқда. Шунингдек, кўмитамиз халқаро ахборот алмашуви ишларини яхшилаш ва дунёдаги экологик ташкилотлар билан ўзвий мулоқотда бўлиш мақсадида 2002 йил март ойида интернет ва электрон почта халқаро тармоғига киритилди.

Б. РАҲМАТОВ,
вилоят кўмитаси етакчи мутахассиси.

Анжуман

АВВАЛ ЎЗИНГИЗ БИЛИНГ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси маъмурияти томонидан мунтазам равишда минтақа ва туман кўмиталари раислари, давлат нозирларининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун учрашувлар, суҳбатлар, ўқув-семинар машғулотлари ташкил қилинапти.

Яқинда навбатдаги ўқув-семинар бўлиб ўтди, унда вилоятдаги барча давлат нозирлари иштирок этдилар. Унга вилоят адлия, солиқ бошқармалари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлими, Бош давэкоэкспертиза бўлимида мутахассислар қатнашдилар. Адлия бошқармасининг тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Б. Турғунов «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг жойлардаги тизимлари томонидан қай даражада

ижро этилаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Солиқ бошқармасининг бўлими бошлиғи А. Рискүлов эса давлат нозирларимизни мувофиқлаштирувчи кенгашининг иш режасига асосан Ангрен, Олмалик шаҳарлари, Янгийўл туманида ўтказилган текширишларда келиб чиқаётган муаммоларни ҳал қилишнинг амалий йўллари кўрсатди ва тавсиялар берди.

С. МИРДАДАЕВ,
вилоят кўмитасининг ҳуқуқий масалалар бўйича бosh мутахассиси.

Бизнинг суҳбат

Табиатга нисбатан меҳр-муруватли бўлишни тарбиялаш, унинг қўникмаларини ҳар бир инсонга синдириш ва кучайтириш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Она табиатимизнинг ҳозирги аҳволи шунга тақозо этмоқда.

Уни емиришга «хизмат» қилиб келган ва ҳозир ҳам давом этаётган иллатларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмаса аҳвол янада мушкуллашиши мумкин. Бўка туманида бу йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда? Туман табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси М. Холикова шу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Биз ўз фаолиятимизнинг барча йўналишлари қатори табиатни асрашга қаратилган тартибот-ташвиқот ишларини жонлантиришга ҳам ҳаракат қилаёмиз, — дейди у. — Бундай тарбияни, айниқса, ёшлар

ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

ўртасида кучайтиришга алоҳида эътибор бераямиз. Шу мақсадда ўтган йили тумандаги мактаблар ва коллежларда ўқувчи талабалар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди. Мактаблар орасида «Сен она табиатни қандай севасан?» мавзусида танлов уюштирилди.

Уларда голиб чиққан ва совринли ўринларни эгаллаган мактаблар жамоалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

«Обод маҳалла йили»да туманимиздаги барча қишлоқларда, аҳоли яшайдиган манзилгоҳларда, шаҳарда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Унда экологларимиз ҳам фаол қатнашдилар. Улар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, табиатни муҳофаза

қилиш ишларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтирдилар, қатор маҳаллаларда суҳбатлар ўтказдилар.

Йил давомида кўмитамиз томонидан «Тоza ҳаво» тадбири ҳам ўтказиб турилди. Туман ДАН ходимлари билан биргаликда олиб борилган ишда 21 та шахсининг ҳавони меъридан ортқча ифлослантираётгани аниқланди. Уларга нисбатан умумий ҳисобда 98555 сўм миқдорида жарима солинди ва ундирилди.

Қишлоқ хўжалигида ишлатилган минерал ўғитлар ва захарли моддаларни сақлашда белгиланган тартибга амал қилиш талаб этилади. Ундан оғиш ҳоллари эса жазоланади. Шунга қарамай, тўғрироғи уни билиб туриб, билмасликка

олишга йўл қўётган шахслар ҳар доим топилади. Қисқа муддат ичида унга амал қилмаган 24 нафар мансабдор шахс аниқланди. Уларга 100645 сўм миқдорида жарима солинди.

Экологларнинг талаби билан минерал ўғитлар сақлаш омборлари таъмирланиб, талаб даражасига келтирилди.

Сувдан фойдаланиш бўйича махсус рухсатномаси бўлмаган ширкат хўжаликлари раҳбарлари бўлган 26 нафар шахсдан эса, 155 минг сўм жарима ундириб олинди.

Ўсимлик дунёси ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Бу соҳада амалдаги қонун талабларига риоя қилмаётган 8 нафар шахс ушланди ва уларга

31145 сўм миқдорида жарима солинди, бундан ташқари 368218 сўм миқдорида тоvon пули ундирилди.

Кўмитамиз томонидан табиатга зарар келтирувчи ҳар бир фуқаро ёки мансабдор шахсга нисбатан қонуний чоралар доимий равишда қўлланиб келинмоқда. Лекин бизнинг мақсадимиз уларни камайтириш.

Меҳр ва муруват йилида ҳар биримиз она табиатимизга ҳам меҳр билан муносабатда бўлсак айтиш мумкин бўларди.

Туманимиз жамоаси Ангрен минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан бу йил бўлиб ўтадиган аънавий Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини муносиб нишонлаш ташаббуси билан чиқдилар. Шунга бағишлаб 2004 йилнинг 1 апрелидан 1 июнигача атроф-муҳит мусавфоллигини яхшилашга қаратилган икки ойлик тадбир ўтказаямиз. Бу хайрли ташаббусни вилоят кўмитаси маққуллади. Шу кунларда ташаббус бўйича белигиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳаракатни кучайтирмоқдамиз.

Мулоҳаза

ҚОҒОЗ ПАРЧАЛАРИ ЧИҚИНДИ ЭМАС

Бозор иқтисодиёти шароитида ишдаги муваффақият биринчи навбатда тадбиркорликка, қолаверса, тежамкорликка ҳам боғлиқ. Қайси мамлакатда ҳам ашёдан унумли фойдаланиб, уни кам сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилса, ҳар хил чиқитлардан ҳам ашё сифатида фойдаланиш яхши йўлга қўйилган бўлса, у мамлакатнинг иқтисодиёти ҳам шунга яраша юксалиб боради.

Бу муҳим ишга халқ таълими муассасалари жамоалари ҳам муносиб ҳисса қўшишлари мумкин.

Биз айни пайтда мактаблар, ташкилотлар ва корхоналар иш жараёнлари билан таълим тарғиб, қанчадан-қанча чиқит қоғозлар бекордан бекорга йўқ бўлиб кетаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда чиқитларни сақламай, нобуд қилганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган экан. Республика-мизда ҳам мавжуд моддий заҳираларимиз биз ва биздан кейинги авлодни яхши таъминлай олиши мумкинлиги хусусида иқтисодчи олимларимиз кўп фикрларини билдиришяпти. Аммо аҳвол ҳозиргидай давом этаверса, биз мавжуд имкониятларнинг кўпини бой беришимиз мумкин. Шунинг учун биргина мактабларда керакли хом ашёларни тўплаш ишига эътиборни янада кучайтиришимиз жуда катта самара бериши мумкин. Чунки, макулатура жуда қимматли хом ашё ҳисобланади. Масалан, бир тонна макулатурадан 750 килограмм қоғоз олинади, бир тонна макулатура жаҳон бозорида бир тонна нефтдан тўрт баравар қиммат туради.

Агар бир синф ўқувчилари 60 килограмм қоғоз чиқиндисини тўпласа, битта юз йиллик дарахтни асраб қолган бўладилар. Буни туман, шаҳар мактаблари бўйича олганда эса, қанчадан-қанча ўрмонларни тежаган бўламиз.

Энг муҳими макулатурадан олинган қоғоз ва қалин қоғознинг таннари ёғоч ва целлюлозадан олинганига қараганда икки баравар арзонга тушади. Ҳозирги пайтда республикамизда 40 минг тонна қоғоз етишмовчилиги мавжуд экан.

Етишмовчиликнинг олдини олиш учун бизда жуда катта имкониятлар бор. Масалан, 3 миллион бола икки килограммдан макулатура йиғса, 6 минг тонна қоғоз чиқиндисини тўпланади. Бу икки миллион куб метр биринчи навли тахта-ёғоч тежалди, демакдир. Бу долларбўйи ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Даврон ТЕМИРОВ,
Бўка туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ташвишли мактуб

Охирги вақтларда туманимиздаги кўп корхона ва ширкатлар раҳбарлари биздан дарахт кесиш учун рухсатнома сўраб келишмоқда. Уларнинг ободонлаштириш ишларини олиб бориш ўрнига ўсиб келаётган дарахтларни кесишга уринаётганликлари кишини ажаблантиради. Бу табиатга қанчалик катта зарар келтиришини тушунаётганликларига ҳайрон қоласан. Ваҳоланки, ҳар бир дарахтни кўкартириш учун неча йиллар керак!

Вояга етган дарахтлар, улар қайси турда бўлмасин, инсонга зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради, ҳавони ҳар хил чанглардан тозалайди. Бир туп дарахт бир йил давомида камида 2,5 тонна чангни ушлаб қолади. Айниқса, чинорлар бошқа дарахтларга нисбатан энг кўп яшайди, кислородни ҳам мўл ҳосил қилади. Чинор дарахти 2001 йилда Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган.

Бундан ташқари, кўп ширкат хўжаликларида дала майдонлари четидаги туп дарахтларининг кесиш юборилиши ташвиш туғдирмоқда. Маълумки, дарахтзорларни кесишга фақат маҳаллий ҳокимият томонидан эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари билан келишилган ҳолда рухсат берилади, тартиб шундай. Ноқонуний, яъни ўзбошимчалик билан ҳар турдаги дарахтларни кесган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Шунга қарамай Оққўрғон тумани прокурори ва «Кумуш тола» корхонаси ходимлари томонидан ўтказилган рейдда жуда кўп ноқонуний ҳолатлар содир этилганлиги аниқланди.

Туманининг «Экинлик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ижарачи Деҳқон Қозоқбоев бугдойдан бўшаган даласида қолган сомонларга ўзбошимчалик билан ўт ёқиб, 20 донна туп дарахтига зарар ет-

ДАРАХТГА БОЛТА УРМАНГ

казган, бу қилмиши учун унга нисбатан туман прокурори томонидан маъмурий иш қўзғатилди ва у суд жараёнида кўрилди. «Ойтамғали» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида Мирзохиддин Ҳолбоев дала четидаги туп ва бошқа дарахтларга зарар етказгани учун давлатга 45.000 сўм жарима тўлади. Ҳуқуқбузарлардан бири «Оққўрғон» қишлоқ фуқаролари йиғини фуқароси Мурот Аҳмедов Оҳангарон дарёси қирғоғида ўсаётган жингил

буталарини ўзбошимчалик билан кесиш, ўз шериклари билан келишган ҳолда юк машинасига ортиб кетаётганда қўлга олинди ва маъмурий баённома тузилди.

2004 йил 15 февралда «Султонобод» ширкат хўжалигида қишлоқ даволаш маскани олдида диаметри 48 сантиметр бўлган чинор дарахти ўзбошимчалик билан кесилгани маълум бўлди. Унга болта урган кимсалар ўзлари яшаб турган ҳудудни яшнатиш ўрнига кўкариб

турган дарахтни ўз эҳтиёжлари-га ишлатишган.

Оққўрғон туманида ўз юрти, Ватани учун қуйиб-пишиб, уни ободонлаштириш йўлида ҳаракат қилаётганлар ҳам бор. Жумладан, Оққўрғон автомобиль йўлларини таъмирлаш корхонаси жамоасининг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Йўлсозлар 2004 йилда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш учун 1,1 миллион сўмлик маблағ сарф этишни режалаштирган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Биз ҳар бир дарахтнинг қадрига етишимиз, унинг бекорга кесилиб кетишига йўл қўймаслигимиз лозим. Ҳар биримиз умримиз давомида ҳеч бўлмаганда битта дарахт экиб, уни кўкартисак айни муддао бўларди.

С. ИДРИСХЎЖАЕВ, эколог.

БАЛИҚЛАРНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар, ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг махсус нозирлиги томонидан вилоят ички ишлар бошқармаси, солиқ кўмитаси, йўл-патруль хизмати, санэпидстанцияси, божхона, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа идоралар билан тузилган ҳамкорлик тадбирлари туфайли жойларда шу йил баҳор ойида бошланган балиқ урчиш мавсумини тўғри ташкил этишни текшириш бўйича бирқанча назорат кузатувлари уюштирилди. Бу жараёнда кўллар, очиқ сув ҳавзалари, дарё ва каналларда кўплаб қонунбузар дайди овчилар аниқланиб, уларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари кўрилди. Тошкент денгизи ҳудудида улардан 200 метрдан ортиқ балиқ тўри, 50 метр ташлама тўр, ноқонуний тутилган 50 килограмм балиқ маҳсулотлари олиб қўйилди. Сирдарёнинг Оққўрғон туманидан ўтадиган қисми қирғоқларида ўтказилган текширувларда

бундан ҳам ҳунук ҳолатларга дуч келинди. Жами тўққизта дайди овчи ушланиб, уларнинг 25 килограмм ноқонуний тутилган балиқ маҳсулотини, 200 метр тўри мусодара қилинди. Уларга 57 минг сўм жарима солиниб, маҳаллий бюджет ҳисобига ундириб олинди.

Қонун бузувчи овчилар Юрий Ким ўрдакни овлаётганида, Чинпўлат Телеулов тақиқланган санчик билан балиқ тутаетганида, Жаҳонгир Мирзамаров Тошкент денгизига қўйган 120 метрлик ноқонуний тўрини балиқлари билан олаётганида тезкор гуруҳ «тўри»га илиндилар.

Айрим техник мосламаларнинг носозлиги – тўғон ва сувни кўтариб берувчи насослар, муҳофаза қилиш ускуналари ўрнатилмасдан ишлатилаётгани ҳам балиқларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Вилоят сув хўжалиги идоралари бу муаммони ҳал қилишга етарли эътибор бермаяптилар. Экологларнинг бир неча бор қилган илтимослари ва кўрсатмаларини инobatга олишмаяпти. Шундай муаммолар туфайли сув ҳавзаларимиздаги бу бебаҳо бойлик камайиб кетмоқда. Тўғри, айрим ҳомий ташкилотлар томонидан балиқ увилдириқлари етиштириб,

уларни ҳавзаларга қўйиб юбориш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Чунончи, 2003 йил ноябрь-декабрь ойларида Угам-Чотқол давлат табиат миллий боғи томонидан Янгийўл балиқ етиштириш питомнигида боқилган 1 миллион сўмлик балиқ чавоқлари Чорвоқ сув омборига қўйиб юборилди. Бундай хайрли ишларни вилоятимизнинг бошқа балиқ хўжаликлари ва сув ҳавзаларида ҳам амалга ошириш тадбирлари кўриб чиқилмоқда.

Келгусида бундай савобли ишлар янада кенгайишига умид билан қарамоқдамиз.

А. АБДУҲОЛИҚОВ,
вилоят кўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бошлиғи.

Фарбий Тянь-Шан табиий жиҳатдан ўзининг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси хилма-хиллиги, ноёблиги билан ажралиб туради. Минтақа бу ерда сақланиб қолган табиий экоизмларнинг мавжудлиги ҳамда ниҳоятда бой, айни вақтда табиий заҳиралари билан янада қимматлидир.

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ФОНД ЁРДАМИ

Ҳудудда курраи заминнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган наботот турлари сақланиб қолган. Унда турли-туман доривор ҳамда фақат шу жойга хос ўсимликлар, ҳайвонот дунёси мавжуд. Масалан бу ерда эндемик юмронқозик, кўк суғур ва «Қизил китоб»га кирган қор қоплони, архар, оқ тирноқли айиқ, Ҳимолай қумой қуши, Туркистон мушугини кўриш мумкин.

Сўнгги пайтда ана шундай ноёб ҳудуд биохилма-хиллигининг сақланишига ҳавф туғилмоқда. Шунинг учун бу муаммага республикамизда, Қозғистон ва Қирғизистонда катта эътибор берилляпти. Бундан ўн йил илгари Глобал экологик фонд ҳудуд биохилма-хиллигини асрашда бу давлатларга ёрдам қўлини чўзиб, Марказий Осиё чегаралараро лойиҳасини амалга оширишга киришди. Унга Жаҳон банки орқали 10,15 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ берилди. Лойиҳанинг асосий мақсади ушбу уч давлат ҳудудида жойлашган Фарбий Тянь-Шаннинг биохилма-хиллигини асраш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудуд экосиёсати, унинг ҳуқуқий норматив базиси ва институцион тараққиётига кўмаклашидир. Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган тадбирлар аҳоли турмуш тарзига ҳам, табиат хилма-хиллигини сақлашга ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Собир ҲАМИДОВ.



Қарор ва ижро

ри шифобахшлиги билан машхурдир. Шу сабабли табиатни асрашдек муҳим ишга бу ерда жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. 2003 йилда бу болада муайян иш бажарилди. Лекин унга салбий таъсир этувчи манбалар ҳамон кўплигича қолмоқда. Аксарият дам олиш масканлари ва оромгоҳларида табиатни муҳофаза қилиш қонуни талаблари асосида олиниши лозим бўлган рухсатномалар, яъни махсус сувдан фойдаланиш рухсатномаси, ҳўжалик-маиший чиқиндиларни жойлаштириш, утилизация қилиш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган. Уларда ҳосил бўладиган оқава сувларнинг асосий қисми ўраларга қўйилмоқда ёки ер юзасига оқизиб қўйилмоқда. Чикинди ва ахлатларни жойлаштириш учун махсус жойлар жиҳозланмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 сентябрдаги «Чимён-Чорбоғ курорт рекреация зонасида соғломлаштириш ва дам олиш тизимини ривожлантириш ва табиий бойликларни асраш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан «Бақачўл-Чорбоғ-Фазал»

(Давоми. Боши 3-бетда).

БЎСТОНЛИҚ:**МУАММОЛАР ЕТАРЛИ**

кент» канализация қувири битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу канализация тармоғига 5 та дам олиш оромгоҳининг оқава сувлари қўйилмоқда, қолган 40 дан ортиқ дам олиш оромгоҳларига Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг кўрсатмалари берилди. Лекин ушбу қарорда белгиланган Чимён-Юсуфхона канализация тармоғи ўз муддатида қурилмади қилиб кетмоқда, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари уни барпо этишни ниҳоясига етказиш учун зарур чораларни кўришлари лозим. Акс ҳолда оқава сувларни зарарсизлантириш узок муддатга чўзилиши ва табиатимизни ифлослантириш давом этиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмади.

Мазкур қарорда Чимён канализация тармоғини ўтган йил охирида қурилиши кўзда тутилган эди. Аммо ушбу ҳудудда жойлашган оромгоҳлар эгалари оқава сувларни шу канализацияга улаш чора-тадбирларини кўришмаяпти.

Туманимизда атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар қарийб 1800 тонна миқдориди ташланади. Бу ҳам унинг соф ҳавосини бузмоқда. Бунда Иссиқлик манбаи, Фазалкент газ идораси, «Фазалкентойна» каби корхоналарнинг «ҳисса»си катта бўлмоқда.

Дарахтларни рухсатсиз кесиш, ўтлоқларни поймол қилиш, фойдали, доривор гиёҳларни ўзбошимчалик билан териб олиш ва бошқа шу каби иллатлар ҳам ҳали барҳам топмаган.

Масалан, туманимизда жорий йилнинг биринчи чорагида биргина ўсимлик дунёсига зарар келтириш билан боғлиқ бўлган саккизта ҳуқуқбузарлик фош қилинди. Унинг айбдорларига нисбатан

маъмурий жазо чоралари кўрилиб, 31 минг сўмдан кўпроқ жарима солинди, салкам 370 минг сўм тоvon пуллари ундириб олинди.

Биз бундай қонунбузарликларга қарши курашни бир зум тўхтатмасдан янада кучайтирамиз. Бу муҳим ишда экологларга корхона-ташкilotлар, муассасалар раҳбарлари, барча фуқаролар яқиндан ёрдам берсаларгина мақсадга эришиш мумкин. Бўстонликнинг оромбахш табиатини бундан буён булғанишига йўл қўйиб бўлмайди. У шу вақтгача кўрган қусурларни тўла бартараф этишининг ўзига ҳали жуда кўп вақт, кучгайрат, маблағ сарфлашга тўғри келади.

Т. ЮНУСОВ,

Бўстонлик тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Шунақаси ҳам бўлади**БОЙ****ЖОНИВОРЛАР**

Ҳа, дунёда уй ҳайвонлари бўлган жониворлар орасида ҳам катта бойликка эга бўлганлари бор экан. Ҳозирги вақтда уларнинг энг бадавлати Гунтер номли немис овчарка ити ҳисобланади. Унинг ҳисобида 252 миллион евро маблағ бор. Бу рўйхатда иккинчи ўринни Калу шимпанзе-си эгаллаб турипти. Унинг бойлиги 74 миллион евродан иборат экан. Учинчи ўринда эса Америкадаги ит, Буюк Британиядаги Гиго номли товуқ тўртинчи ўринда туради. Унинг бойлиги 14 миллион евродир. Ундан кейинги ўринларни Флаффи, Тиннер ва Илен отли мушуклар эгалламоқда. Улар бутун умрлари давомида парвариш қилинишни, уй ва мол-мулкни меросга олган. Тўтиқуш ва олтига тошбақа ҳам бадавлат жониворлар рўйхатига киради.

СОТИШ**ТАҚИҚЛАНДИ**

Австралининг жамоатчи ташкилотлари яқинда сотувга чиқарилган ва ароқ таъмини берадиган музқаймоқни тақиқлашни талаб қилиб чиқдилар. Бундан сал илгари шу мамлакат дўконларида ликер таъмили кекслар ҳам пайдо бўлган эди.

Соғлом турмуш тарзи учун курашаётганларнинг фикрича, бундай маҳсулотлар болаларда алкогольга бўлган қизиқишни юзага келтириши мумкин. «Бундай маҳсулотлар туфайли инсонларда алкоголь оддий нарсаси деган фикр шаклланади, болалар эса ёшлиқдан алкоголь таъмига ўрганадилар. Бу ман этилиши лозим», деди ичкиликбозликка қарши курашни тарғиб қилувчи ташкилотлардан бирининг вакили.

Шифобахш гиёҳлар

Равоч доривор ўсимликлар туркумига киради. Жуда кўп фойдала хусусиятларга эга. У билан боғлиқ бўлган қуйидаги афсона унинг нақадар шифобахшлигини, эҳтиёт қилиш ва кўпайтириб боришимиз зарурлигини исботлаб туради.

Қадим замонларда бир мушфик аёлнинг бирин-кетин олти фарзанди вояга етмай вафот этибди. Ҳар гал боласи нобуд бўлганда аёлнинг фарёди кўкка етар экан.

Еттинчи фарзанд туғилиб, тетапоя бўлганда, хумо қуши аёлга қандайдир ўсимликнинг уруғини ташлаб кетибди. Аёл аввалига ажабланибди, сўнггра: «Экиб кўрайчи, ниманинг уруғи экан», — дея ерга қадабди.

Уруғ униб чиқиб, бир жуфт барг пайдо қилибди. Энди авж оламан деганда, тўсатдан қурғоқчилик бошланиб, гармсёл

ОНА СУТИ ЭМГАН

шамоли кўтарилибди.

Ўсимлик ҳолсизланиб, сувсизликдан сўлибди. Шунда аёл гўдагига аталган кўкрак сутини сув ўрнига унга берибди. Аёлнинг еттинчи фарзандига ҳам машъум дард тегиб, бола гармсёл урган гўзадай сўлиб, сарғая бошлабди. Она фарёд чекибди. Ўзини ҳар ёнга урибди. Бари бир олти фарзандини олиб, еттинчисига чанг солаётган кулфатдан оҳ-нола билан қутулолмаслигини англабди. Шунда кўкрак сuti билан су-

шохчасини синдириб гўдагининг оғзига тутган экан, бола тамшаниб шимибди. Эртаси куни гўдак тузалиб, ўрнидан турибди. Яна бир шохчасини синдириб, едирган экан, болакай чопқиллаб кетибди. Аёл ўсимликдан беҳад миннатдор бўлиб, унинг уруғини жойларга сепиб чиқибди. Шундан равоч ўсимлиги кўпайиб кетган экан. Воқеадан хабардор бўлган одамлар бу ўсимликка меҳр қўйишибди. Шифобахш хусусиятини она сутидек деб севиб ис-

теъмол қилишибди.

Равочни тоғ бағрларида апрель ойининг охиридан то ёз саратонигача учратиш мумкин. У июнь ойида гуллаб уруғланади. Ана шу ойда уруғини йиғиб, ундан бу ўсимликни плантация ҳолида ўстириш учун фойдаланса бўлади. Баъзи консерва заводларида кўп йиллардан бери равоч шарбати ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Масалан, Шаҳрисабздаги консерва заводида у қайта ишланмоқда. Одамлар равочдан иштаҳа очувчи, таомни хуштаъм қилувчи ва чанқоқ босувчи кўкат сифатида фойдаланмоқдалар. Афсуски, сўнгги йилларда равоч одамлар томонидан кўр-кўрона ва беаёв йиғиб-териб олинмоқда. Натижада бу ўсимлик ўсган майдонлар тобора қисқармоқда.

Бу ноёб ўсимлик муҳофаза қилинмаса, тез орада «Қизил китоб»га кириб қолиши мумкин.

ТОШҚИНЛАР ОЛДИ ОЛИНАДИ

Баҳор-ёз ойларида қорларнинг эриши, ёғингарчиликнинг меъёридан кўп бўлиши натижа-сида кучли сел оқимлари, кўчкилар юз бериши, турли хил табиат офатлари содир бўлиши хавфи бор.

Шуни ҳисобга олиб, вилоят қўмитаси ва унинг минтақавий ҳамда туман тузилмалари раислари хавфли ҳудудларда жойлашган объектлар раҳбарлари, қишлоқлардаги маҳалла қўмиталари, барча мутасадди идоралар раҳбарлари билан ҳамкорликда экологик офатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб олишяпти.

Бунда хавфли жойларда истикомат қилаётган аҳолини олдиндан огоҳлантириш ва вақтинча кўчириш, Оҳангарон, Чирчик, Қорасув дарёлари ва каналларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, сел юз бериши мумкин бўладиган ҳудудларни аниқлаш ва уларда ишлатилаётган техника воситаларини вақтида олиб чиқишни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу давр ичида табиий офат юз бериши куталаётган жойларда навбатчилик ташкил этилди.

Сураган эдингиз**ТЕРИСИ МЎЙНА, ГЎШТИ ШИФОБАХШ**


Нутрия териси мўйна ҳисобланишини яхши билардик. Лекин, гўштини ҳам истеъмол қилиш мумкинлигини айтишяпти. Шу тўғрими? Умуман бу жониворнинг асли ватани қаерда? Шу ҳақда ахборот берсангиз.

Обид Салимов, Равшан Комолов, Рихсибой Аҳмедов, Олмалиқ шахри.



Нутрияни шундай таърифлашади. Бунда жон бор, албатта. Сут эмизувчи жониворлар туркумига мансуб бўлган бу каламушсимонларнинг асли ватани Жанубий Америка ҳисобланади.

Бу ерда улар ботқоқликлар ва сув ҳавзаларида яшайди. Ўзбекистонга 1950 йили жами 124 таси келтирилган эди. Дастлабки пайтларда қафасларда боқилди. Бир йилдан кейин 180 та ёш нутрия



Сирдарё вилоятидаги Жаманқўлга қўйиб юборилди. Унинг териси қимматли мўйна ҳисобланади, ҳатто қорақўл териларидан ҳам қимматроқ туради.

Нутрияларни парвариш қилиш, ундан мўйна ва парҳез гўшт олишни саноат асосида барпо этган корхоналарнинг

бири Чирчиқда жойлашган. Бу «Рассвет» деб аталувчи ширкатдир. Унинг жамоаси нутрия терисидан тикилган бош кийимлари, пўстинлар тикиш, гўшт маҳсулотлари тайёрлаш ва ишлов берилган териларни сотиш билан шуғулланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўп мамлакатларда нутриянинг териси қатори гўшти учун ҳам боқилади. Гўшти ҳалол ҳисобланади, инсон саломатлиги учун зарур бўлган ҳар хил дармондориларга бой. У парҳез-боп эканлиги амалда ўз исботини топган. Шу жиҳатдан ҳатто товуқ ва қўён гўшtlаридан ҳам афзал туради. Унинг таркибида темир, мис, кобальт, молибден, йод каби микроэлементлар, калий, магний, фосфор, А, Е, В, РР, В1, В2, В6 дармондорилари мавжуд.

СУРАТЛАРДА: ширкат ходими Комил Жонибоев, ширкат фермаларининг бирида.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

«ЧИРЧИК- OPEN» ЯКУНЛАНДИ

Яқинда Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Бўстонлик туманлари спорт ишқибозлари шохмот ҳафталигидан баҳраманд бўлишди. Чирчиқ шаҳар шохмот федерацияси қошидаги «Шоҳклуб», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар кенгаши, тадбиркорлардан Баҳодир Боқиев ҳамда «Муштарий ва Сарвиноз» хусусий фирмаси раҳбари Бахтиёр Тошмуҳамедов «Чирчиқ-OPEN» шохмот байрами кўтаринки руҳда ўтказилишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

30 нафардан ортиқ шохмот усталари қатнашган баҳслар натижасига кўра, халқаро гроссмейстер Андрей Белькин «Чирчиқ-OPEN» голиби бўлди. «Факриш шохмотчи» совринига Т. Абдурасулов, бўстонликлик 70 ёшли Анорбой Жанисбаев «Энг кекса иштирокчи» совринига сазовор бўлди. Қизлар ўртасида «Моҳир шохмотчи» совринини Г. Миртурсунова, 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида «Энг моҳир шохмотчи» совринини И. Бойматов қўлга киритди. Мусобақанинг жажжи иштирокчиси, олти ёшли Жалол Аҳмаджонов эса «Энг ёш иштирокчи» бўлди.

Голибларни тақдирлаш тантанаси «Мен бахтли бўлишга ҳақлиман» тадбирига улашиб кетди. Чирчиқ дарёси соҳилида жойлашган сўлим «Маданият» маҳалласи гузарига 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун дастурхон тузалиб, 70 нафар ўғил-қизнинг ҳар бирига ҳомийлар томонидан кийим-кечаклар ҳамда телевизор топширилди.

Таъкидлаш жоиз, Сергей Загребельний, Саидали Йўлдошев, Михаил Салтаев, Андрей Белькин сингари шохмот бўйича халқаро тоифадаги спорт усталарини етиштириб берган Чирчиқ шаҳрида ушбу спорт турини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда шу мақсадда шаҳар ҳокимлиги томонидан шохмот федерациясига янги бино ажратилди.

Воҳид СУННАТОВ.

Болалар спорти

Мамлакатимизда соғлом келажакни таъминлаш йўлида, энг аввало болалар спортини ривожлантиришга юксак эътибор берилган. Болаларнинг буюн бирмунча муддат ўтди. Бу борада Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, кўплаб шаҳар ва туманларда ўз амалий ифодасини топа бошлагани қувонарлидир. Шунга кўра, уларнинг ижроси жойлардаги мутасаддилардан алоҳида масъулиятни талаб этади. Хўш, бу борада Пскент туманида қандай амалий ишларга қўл урилмоқда?

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидан кейинги муддат ичида мазкур туманда ҳам бирмунча ўзгаришларга қўл урилган. Жумладан, Охунбобоев номли ширкат хўжалигидаги қаровсиз ҳолда ётган клуб биноси фидойи кишилар ташаббуси билан қайта таъмирланиб, 300 нафарга яқин ўғил-қизлар спортнинг бокс, волейбол, миллий кураш, шохмот-шашка ва стол теннис каби турлари билан шуғулланишларига етарли шароит яратиб берилди. Шу пайтгача зарур шароитлар мавжуд бўлсада, қаровсизлик натижасида фэйсиз аҳволга келиб қолган, хиёл олисроқдаги марказий стадионда ҳам туман ҳокимлиги ташаббуси билан кенг кўламли ҳашар ишлари олиб борилиб, унда кўплаб корхона-ташкilotлар фаоллик кўрсатишаётди. Аҳоли спорт ҳаётидаги бу ўзгаришлар, шубҳасиз, эътиборлидир. Яқинда яна бир хушхабар эпкини пайдо бўлди. И. Хайдаров номли ширкат хўжалигидаги «Қизил бирлик» қишлоқ мактаби спорт зали учун хўжалик бошқаруви 100 тонна бугдой ажратишга қарор қилибди. Туман пахта тозалаш заводи ҳудудида эса вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан болалар спорт мажмуасини қуриш режалаштирилаётди. Ҳозир икки гектарли майдонда тозалаш, текислаш ишлари олиб борилмоқда.

Болалар спорти ривожига ҳам бироз жонланиш юз берди, дейди туман болалар спорти ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Тўлқин Давлатов. — Яқинда эркин кураш бўйича вилоят очик чемпионатини ўтказдик. Унда 210 нафар ёш спортчилар қатнашиб, мусобақа «Sport» телеканали орқали намойиш этилди. Вилотимизнинг ўнга яқин шаҳар ва туманларидан келган 17-22 ёшдаги навқирон полвонлар иштирок этган бу баҳсларда пскентликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган «Умид ниҳоллари» минтақавий мусобақаларида

ўқувчиларимиз биринчи ўринни қўлга киритишди.

Туманимиз аҳолиси 86 минг 600 нафар бўлиб, шундан 20 минг 192 нафарини 6-17 ёшли болалар ва ўсмирлар ташкил этади. 1 минг 799 нафар ўқувчи (8,8 фоиз) мунтазам ва 4 минг

пештоқиға турли-туман ширлар билан бир қаторда «Хуш келиб-сиз» жумласи битиб қўйилган, шиферларидан камида беш-ўнтаси кўчиб кетгани пастдан кўриниб турган болаларнинг энг севимли маскани тушлиқдан бир соат олдин тақа-тақ берклигини кўрган киши ўзга тўхтамга келиши мумкин эмас. Шу атрофда айланиб юриб, бир пайтда келиб қолган хўжалик ишлари бўйича раҳбар муовини саъй-ҳаракати билан кимсасиз масканнинг кулфини очиб, ичкарини кузатишда давом этамиз. Масканнинг биноси ҳам, спорт зали ҳам мослаштирилган. Ётоқ-

Тўғри, барча мактаб раҳбарлари ҳам бу муаммо қаршисида қўл қовуштириб туришгани йўқ. Чунончи, тумандаги 29-мактаб (раҳбар Каромат Мўминова)да 652 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Бу мактабнинг спорт зали ўтган ўқув йилида талаба мутлақо жавоб бермагани учун туман санитария-эпидемиология идораси томонидан ёпиб кетилган. Бу йил эса мактабдагилар ўз имкониятларидан фойдаланиб, бу ерда яна иссиқ ва шинамгина спорт залини фойдаланишга топширишга муваффақ бўлишди. Бунда, албатта, шижоат, фидойилик, масъулият ва мактаб учун ажратилган ердан йилига камида беш тоннадан ошириб олинаётган бугдой ҳосилининг ўрни катта бўлган. Мактабда, шунингдек, Сайёра Мўминова каби тадбиркорлар кўмагида компьютер, тикувчилар синфини очишга муваффақ бўлиган.

Қўшни 31-мактаб (раҳбар Махсума Мамадалиева)да эса худди шу каби шароитда аксинча манзарани кузатиш мумкин. Уч нафар жисмоний тарбия ўқитувчисининг бирор нафари ҳам олий маълумотли эмас. Кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Ҳолбуки, бу масканга ҳам икки гектар ер ажратилган. 29-мактабдаги сингари бу ерда ҳам бироз масъулият ҳис этилганда, эҳтимол аҳвол бироз ўнгланирмиди?

Кўриниб турибдики, мавжуд муаммоларни бартараф этиш фақат ўзимизнинг қўлимизда. Эндиликда қоғозбозлик ва буйруқбозликка чек қўйиб, бир ёқадан бош қикариб, амалий ишларга киришилса, бошланган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини беради. Келажак учун ёнган фидойилар Пскентда ҳам етарли. Улар ҳозирда туман болалар спорти ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши атрофига бирлашмоқда.

Дарвоқе, ҳозирги замон боласининг тасаввурлари жуда кенг. У илк бора мактаб оstonасига қадам қўяр экан, орзулар оғушида бўлади. Унинг имкониятларини юзага чиқариш эса, биз — катталарнинг зиммасида. Яратилаётган имкониятдан қониқмаслик эса боланинг шаштини пасайтиради. Шу маънода бу ёшдаги болалар имкониятларини ривожлантириб, кўрсата олишда яқин йиллар пскентлик мутасаддилар учун синов давридир.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус муҳбири.

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШ ЮРИТИЛСА...

Пскентда ҳам чемпионлар кўпаяди

720 нафар ўғил-қиз (23,9 фоиз) оммавий спорт билан шуғулланади.

2004 йилда «Қирққизобод» ширкат хўжалигидаги 29-мактаб (10 миллион сўм) ва 28-мактаб (35 миллион сўм) спорт залларида ҳомийлар ҳисобига таъмирлаш олиб бориш режалаштирилган. Шунингдек, «Туркистон» ширкат хўжалигидаги 13-мактаб спорт майдонларини кенгайтириш ва талаб даражасига яқинлаштириш мақсадида бир гектар майдон ажратилди. 289 нафар ўқувчи ўқийдиган ушбу мактаб шу пайтга қадар ўз спорт залига эга эмас эди. Ажратилган ҳудудда эса футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари бунёд этилади.

Албатта, булар умид бағишлайди. Шунга қарамай, нега сўнгги йилларда Пскент туманидан олимпиада иштирокчилари, жаҳон чемпионлари етишиб чикмаяпти? У ердаги ўғил-қизларнинг бошқалардан қаери кам деган саволлар туғилади. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаблари эса қуйидагича: туманда номигагина мавжуд болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (раҳбар Асқар Абдуқодиров)нинг ўқув базаси замон талабларига мутлақо жавоб бермайди. Негаки, «ранг кўр, ҳол сўр» деганларидек,

хонаси йўқ. Курашга мослаштирилган залда душ умуман ишламайди. Хуллас, бу ерда ҳамон Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «бизга бўлаверади» қабилада иш юритиш давом этмоқда.

Туман мактабларида ишлаётган жисмоний тарбия бўйича мутахассисларнинг 94 нафаридан 35 нафаригина олий маълумотли ҳисобланади.

Ва ниҳоят, мавжуд 43-мактабнинг 15 тасигина спорт залига эга. Шунингдек, туманда футбол (1-, 15-, 34-мактаб), волейбол (30-мактаб), баскетбол майдони (34-, 30-мактаб) йўқ кўплаб мактабларни учратиш мумкин. Бинобарин, мактабларнинг салкам 70 фоизи спорт залига эга бўлмаса, уч-тўрт ой давом этадиган ёғингарчилик мавсумида ўтиладиган жисмоний тарбия сабоқлари тақдири не кечади? Туман болалар спорти ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси билдиришча, 2005 йили 12-мактаб (90 миллион сўм) ва 2006 йилда 31-мактаб (100 миллион сўм) спорт заллари қуриш режалаштирилган. Демак, ҳар йили иккитадан мактаб учун спорт зали қурилганда ҳам бу муаммога тахминан 15 йилда барҳам бериш мумкин экан...

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АВТОСАРОЙИ ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ 2004 ЙИЛ 28 МАЙ СОАТ 9 ДА АВТОСАРОЙ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЎТКАЗИЛИШНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.


КУН ТАРТИБИ:

1. Автосаройнинг 2003 йил фаолияти яқунлари ва 2004 йилга белгиланган вазифалар. Бошқарув раиси Ш. С. Сайдалиев ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссияси раиси ҳисоботи.
3. Акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботини, баланс, тафтиш комиссияси ва аудитор далолатномасини тасдиқлаш. М. Зокиров ахбороти.
4. 2004 йилга бизнес-режани тасдиқлаш. Режа-иқтисод бўлими бошлиғи Л. Н. Борисова ахбороти.
5. 2004 йилга жамият аудитори тасдиқлаш.
6. Соф фойдани тақсимлаш. Дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартиби.
7. Автосарой кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш. Кузатув кенгаши раиси В. Грингауз ахбороти.

8. Автосарой ва унинг раиси фаолиятини баҳолаш. В. Грингауз ҳисоботи.
9. Автосарой бошқаруви раиси меҳнат шартномасини 2004 йилга узайтириш тўғрисида.

2003 йил 1 январга акциядорлик жамиятининг баланси

	Актив (минг сўм)	Пассив (минг сўм)
1. Узоқ муддатли активлар	117004.2	
2. Жорий активлар шундан:	93892.5	
Дебиторлар, жами	75398.4	
3. Ўзлик маблағларнинг манбалари шундан:		164847.4
Устав капитали		88190.0
4. Мажбуриятлар шундан:		46079.3
Кредиторлар, жами		43480.9
Баланснинг жами:	210896.7	210896.7



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Видеокузатиш рақамли тизимини харид қилиш учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризалар компания (фирма)нинг товар етказиб бериш ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда мазкур эълон босиб чиқарилган кундан бошлаб 10 иш кунни мобайнида қабул қилинади.

Мулоқот қилувчи шахс:

Найданов Александр Юрьевич.

E-mail: ANaydanov@central.nbu.com

Тел.: 137-59-41, факс: 133-32-00. www.nbu.com

8-саҳифа меҳмони

Сўнгу устун



Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов «Девона», «Но-дирабегим», «Тошболта тadbиркор», «Осмоннинг бағри кенг», «Бобур соғинчи» ва бошқа кўплаб спектакллардаги роллари, Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган видеофильмларда яратган образлари билан санъат шинавандаларига яхши таниш. Актёр «Оталар сўзи ақлнинг кўзи», болаларга бағишланган кўрсатувларда боболар тимсоллари билан мунтазам қатнашиб келади. 1958 йилдан буён Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали театрида фаолият кўрсатади. «Мангу давлат», «Гул ва Наврўз» «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо» спектаклларидаги роллари учун турли кўрик-танловларда махсус совринларга сазовор бўлган.

Файзулла АХМЕДОВ:

«ҚАРОР ИМ ҚАТЪИЙ ЭДИ»

— Файзулла ака, сизнинг санъат соҳасига кириб келишингиз қизиқ бўлган экан. Келинг, суҳбатимиз деб очасиз шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Бунинг тарихи анча узоқ. 1955 йилда ўрта мактабни тамомладим. Мактабда турли байрамларда ашула айтиб, мактаб саҳнасида кўйиладиган спектаклларда иштирок этардим, устозларим Санъат институтига кириб ўқишимни маслаҳат беришганди. Дадамга айтсам, «йўқ», деб туриб олдилар. Оиламизда отамизнинг сўзини икки қилмасдик. Тошкент тўқмачилик институтига ҳужжатларимни топширдим, ўша йили ўқишга қабул қилиндим. Лекин қалбим бошқа томонда эди. Учинчи курсга ўтганимдан кейин умримни беҳуда ўтказётганимни дадамларга айтдим. Хуллас, Санъат институтига ҳужжат топширдим, қабул қилишди. Маҳорат бўйича икки турдан ўтдим, кейин бошқа имтиҳонларни топширдим. Ўша кезларда Муқимий номи ўзбек давлат музыкали театрига танлов эълон қилинган эди. Бордим, институтга кириш имтиҳонлари топшираётган вақтда Раззоқ Ҳамроев иштирок этган эдилар. Танловда ҳам домлага рубару келдим.

«Институтга қабул қилишдими?» деб сўрадилар.

«Ҳа, қолган имтиҳонлардан ҳам ўтдим», дедим.

«Мен бу йигитчанинг истеъдодидан хабардорман, театрга қабул қиламиз», — дедилар. Шундай қилиб ҳам институтга, ҳам театрга бир вақтда қабул қилиндим.

— Биринчи ролингизни эслай оласизми?

— Албатта, у дамларни унутиб бўларканми, «Муқимий» спектакли эди. Бу асар тарихий бўлиб, мен ижро этган Исроил кўса тимсоли ҳам ҳаётда яшаб ўтган инсон, машхур найчи Абдуқодир Исроилнинг отаси образи эди. Исроил кўса най чалган эканлар.

Мен ўша дамларда ёш йигитча эдим. Исроил кўса эса, саксон беш ёшли чол, томошада ҳам қўлайдиган, ҳам най чаладиган сахналари бор. Айниқса, «Қовун сайли» сахнаси кўтаринки руҳда ўтарди. Ашула айтиб сахнага кириб келардим. Саҳнадаги бу илк образимни яхши баҳолашди. Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамиджон Ҳолматов каби устозлар билан бир сахнада роль ижро этиш ҳам ҳаяжонли, ҳам фахрли эди.

— Мана суҳбатимизнинг ўзи устозларга улана бошлади. Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Эйтибор Жалилова, Омина Фаёзова, Маҳмуджон Гафуровлар ҳақида ҳар қанча суҳбатлашсак оз. Улар билан қанча нафақа бўлгансиз, бирга сахнага чиққансиз.

— Албатта, энди улар ҳақида сўз кетганда ҳам фахрланаман, ҳам меҳрибонлик, ёшларга бўлган эътиборларини эслаб кўзларимга ёш келади, ҳар бирлари бир олам эдилар.

— Улар билан бирга рол ўйнаганингизда юрагингиздан қандай ҳислар кечарди?

— Ҳам ҳаяжон, ҳам эркинлик ҳис этардим. Лутфихоним Саримсоқовани нафақат театримиз ижодий жамоаси, балки мамлакатимизда ҳам ая, деб атардилар. У дамларда виллояларга кўп гас-роллларга борардик. Қаерга бор-майлик Лутфихонимни ая деб ҳурматлардилар. 1959-1964 йилларда Муқимий театри Москвада гас-рол сафарида бўлган. Ўша йил-

ларда Москвада чиқадиган газеталар Лутфихоним Саримсоқованинг «Нурхон» музыкали драмасидаги Кимё образи ҳақида ҳаяжон билан алоҳида мақолалар ёзишган. Мен жуда бахтли инсонман. У билан жуда кўп образлар яратдик. «Фаргона тонг отгунча» спектаклида эр-хотин бўлиб сахнага чиққанмиз. У билан юзма-юз келган сахналарда қаттиқ ҳаяжон босарди. Улуғ санъаткорнинг сахнада, кинода қандай тимсоллар яратганликлари маълум, аксинча ҳаётда жуда-жуда содда, хушчақчақ инсон эдилар. Спектаклда роль ижро этадиган кунлар эрталабдан театрда бўлардилар. Ҳовлида сайр қилардилар, лати-фага жуда уста эдилар.

— Файзулла ака, санъаткорлар билан суҳбатлашганда сахнада содир бўлган қизиқ воқеаларни гапириб берадилар.

— Ҳа энди ҳамма спектакль ҳам силлиқ ўтавермайди-да. Бир мисол, «Равшан ва Зулхумор» спектаклида Қорахоннинг навқари бўлиб сахнага чиқардик. Равшанни қўриб олиб, уни қўлга олишга уринардик. Равшан эса қўлидаги чўқмор билан бизларни ёнига йўлатмасди. Образга берилиб кетиб яқин бориб қолибман. Томоша тугагач ичкарига кирдим. Бутофорчи йигит «Файзулла ака, қўлингиз қон», деб қолди. Қарасам чўқмор қўлимга урилиб, ёриб юрган экан. Мана қаранг (кўрсатади), ҳали-ҳамон изи қолган. Мен зарб тушганда образга берилиб кетиб сезмаган эканман. Мана

шунақа, баъзида ўша яратилаётган сиймони томошабинга ишончли қилиб етказамиз деб кўп нарсани сезмай қоламиз.

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев ҳар бир спектаклда мазмун-моҳиятдан келиб чиқиб қўшимчалар қилардилар. Ўзбекистон ва Украина дўстлигига бағишланган «Зафар» спектакли бўларди. Шунда ажойиб сахна бор эди. Сойиб ака қудуқдан сув ичман деб йиқилиб, қудуқ устига ўтириб қоларди, челакини сувдан тортадиган чарх айланиб кетарди. Роса қулгили сахна эди. Бир кун қўлларига қизил бўёқ суриб чиқибдилар. Қудуққа ўтириб қолганларида, шундай ижро этдиларки, чарх келиб юзларига урилди, Сойиб ака қўллари билан юзларини чангаллади, бўёқ юзга чапланди. Қўллари олданда бетлари қон эди. Спектакль бузилди, кўпчилик Сойиб аканинг йиғиси ва қон башарасини кўриб ўзини туготмади. Эртасига мажлис бўлиб Сойиб Хўжаев оғохлантирилди. Бир ҳафта ўтиб яна шу спектакль қўйилди. Ўша кунги ҳолат ҳамманинг

ёдиди. Сойиб ака яна қўллари юзларига олиб бориши билан сахнадаги актёрлар кулиб юборди. Эртасига яна мажлис бўлди. Директор Сойиб акани айблади, «Нима қилибман», деди Сойиб ака, «Кулгига сиз сабабчи бўлгансиз», деди директор. «Мен ўз образимни яратаяпман, нега мени жазолайсиз, ўзини туготмаган артистларингизни жазоланг, артист бўлса сахнада ўзини тутсин», дедилар. Шундан сўнг Сойиб Хўжаевнинг сахнадаги топиламаларига кўникиб қолдик.

— Орзусиз инсон бўлмаса керак, айниқса ижодкор бир олам орзу билан яшайди.


— Мен ҳам сахнада бугунги кун кишии образини яратсам дейман. «Қиёмат қарз» Шукур Бурхоновга, «Шошма қуёш» Сора Эшонтўраевага бағишлаб ёзилган. Қани энди драматургларимиз бизларнинг имкониятларимизни инобатга олиб асар ёзиб берсалар-у, сахнада маза қилиб ижро этсак. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом «Тошболта ошиқ» музыкали драмасини Сойиб Хўжаевга атаб ёзгандилар. Чунки, бу асарда актёрнинг ҳамма имкониятлари назарда тутилган. Орзуларим мўл, мен тақдир иноятларини кутиб яшайман.

— Суҳбатимиз сўнггида орзуларингиз амалга ошишини тилаб қоламиз.

— Раҳмат.


Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ суҳбатлашди.

«СУЗУВЧИ ШАҲАРЧА»



«Алстом» компанияси архитекторлар бюроси билан ҳамкорликда Жюль Верн асаридаги «Сузувчи шаҳарча» деб номланган катта лойиҳани амалга оширишди. AZ — у иккита компания номларининг дастлабки ҳарфлари билан аталди. Катта оролларда сузувчи бу кеманинг узунлиги 400 метр, баландлиги 80 метр, майдони 100 минг кв. метрни ташкил этади. Унинг 15 қаватида 4 минг каюта жойлашган бўлиб, у ўзига 10.000 йўловчини сиғдира олади. Кема маркази сунъий тўсиқлар билан ўралган бўлиб, унинг қаршида қирғоқ жойлашган. Кеманинг юкхона тўсиқлари 20 метр баландликдаги тўлиқинга дош бера олади. У соатига 10 узел тезликда юра олади. Компания раҳбарлари бу лойиҳани 2,5 миллиард АҚШ долларига баҳолашди.

«КРОСС-ГОЛЬФ» НИМА?



Гольф ўйини кўпдан буён кўпчиликни ўзига жалб қилади ва унга анча янгиликлар киритилган.

Яқиндан эса очик шаклдаги гольф ўрнига «мини» қўшимчасини олган «Кросс-гольф» номи берилди.

Бу ўйинни ўйнаш учун шаҳар ташқарисидаги клубга пул тўлаш шарт эмас. Битта кичкина копток, гольф таёғи ва ўйин учун майдон етарли. «Кросс-гольф» ўйинининг маркази Австрия, Германия ва Чехия ҳисобланади.

Даврон АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

КИНОАНЖУМАН

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг ўқув театри биносидан Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг «Ижодий парвоз» деб номланган биринчи кинофестивали очилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика Марказий кенгаши, халқаро Гёте институти, «Ўзбекфильм» киностудияси анжуманининг ташкилотчилари ҳисобланади. Ушбу халқаро тадбирни уюштиришдан мақсад ёш кинематографлар ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорлик ўрнатиш, уларнинг ижодига эътибор қаратиш орқали қобилиятларини танлаб олишдир. Унда ёш ижодкорларнинг 26тадан зиёд қисқа метражли ва

турли мавзулардаги фильмлари томошабинларга тақдим этилади. Киноанжуман кунларида, шунингдек Франция, Швейцария, Италия ва Германия давлатлари элчихоналари тақдим этган фильмлар ҳам танлов дастури доирасидан ташқари равишда намойиш этилади. Эътиборли жиҳати, фестиваль гран-при сазовор бўлган фильм ва унинг режиссёри Франциянинг Канн шаҳрида бўлиб ўтадиган нуфузли халқаро кинофестивалга таширф бўюради.

Нигора БОБОҚУЛОВА.

«ЗАНГИОТА»ДА УЧРАШУВ

Зангиота туманидаги «Зангиота» ширкат хўжалигида Республика ёш томошабинлар театри жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди.

Унга таниқли актёрлардан Лутфулла Саъдуллаев ҳамда Гулчеҳра Саъдуллаевалар таклиф этилдилар. Учрашувда тумандаги 32-, 33-, 34-умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбир давомида қизиқарли савол-жавоблар, актёрлар ижодидан саҳналаштирилган кўринишлар ижро этилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

26-ҳаво Тошкент 5 май виллояти

Кечаси +12...+16
Кундузи +23...+28



Кўчмас мулк ва ер кадастри бош бошқармаси томонидан 1999 йил 6 апрелда 7-32/99-сонли «BAXT-NAZIR» МЧЖ номига берилган, А. Темура кўчаси, 45-уй манзилида жойлашган савдо дўкони кадастри асл нусхаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент виллояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.